

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 234 (10.037)

2003 ЙИЛ 3 ДЕКАБРЬ

ВАТАН МУКОФОТИ — ХОРАЗМ ЭЛИГА ЮКСАК ҲУРМАТ ВА ЭҲТИРОМ РАМЗИ

Хоразм кўҳна тамаддун бешикларидан ҳисобланади. «Авесто» қадар қадимий юрт. Ўтмиши бой, келажаги мунаввар. Дунёга Ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Жалолитдин Мангуберди, Нажмиддин Кубро, Маҳмуд Замахшарий, Паҳлавон Маҳмуд, Огаҳий каби машҳур алломаларни етказиб берган табаррук замин.

Мамлакатимиз мустақиллиги кўҳна Хоразм тарихида янги — буюк юксалиш даражасини бошлаб берди. Истиклолнинг илк йиллариданоқ миллат гуруҳини уйғотиш, унинг бой меросини, улуғ алломаларини, асрий аъёнларини дунёга машҳур этишга бел болаган Ўртабўшимиз қадим Хоразм маданиятига ўзгача меҳр билан қарайди. Ўтган йилларда Хива шаҳрининг 2500 йиллиги, «Авесто»нинг 2700 йиллиги халқро микёсда нишонланди. Айниқса, Жалолитдин Мангубердидек миллатнинг ҳақиқий ўғлонига, юрт фидойисига алоҳида ҳурмат кўрсатилди. Ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний ёдгорлик мажмуаларининг бунёд этилиши ҳам буюк аждодларга юксак эҳтиром рамзидир.

Ўртабўшимиз Хива шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида «Бундан минг йил муқаддам одамзод тарихидаги илк академиялардан бири бўлиш Маъмун академияси Хоразм замининда ташкил топгани билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Ўйлайманки, биз Маъмун академиясини Хоразм замининда қайтадан ташкил этсак, кўп улуғ иш бўлур эди», деган эди. 1997 йилнинг 11 ноябдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хоразм Маъмун академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида»ги фармони эълон қилинди. Бугун ушбу илм даргоҳида археология, тарих, фалсафа, тил ва адабиёт, биология каби илмий бўлимлар ишлаб турибди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, турли соҳалардаги янгиликлар виллоят халқ ҳўжалиги тизимини тубдан ўзгартирди. Одамларнинг меҳнатга, мулкка муносабати ўзгарди. Улар ўз келажаги ва юрт равнақи йўлида фидойилик кўрсатмоқда.

Ўртабўшимиз хоразмлик деҳқонларнинг ҳар бир кунини жасоратга менгзаган эди. Дарҳақиқат, мураккаб иқлим шароитида меҳнат қилаётган виллоят деҳқонлари эришяётган ютуқлар таҳсинга лойиқ. Улар бу йил ҳам галла, пахта етиштиришда улкан муваффақиятларга эришди. Мамлакатимиз тарихида илк бор шолдан энг юқори ҳосил олинди. Бунда хоразмлик миришкорларнинг катта

ҳиссаси бор.

Виллоят қишлоқ ҳўжалиги тизимида фермер ҳўжаликлари муҳим ўрин тутди. 6 минг 170 фермер ҳўжалиги меҳнати билан виллоятда тайёрланаётган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ҳажми ортиб бормоқда.

Соғлиқни сақлаш, халқ таълими тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ҳам ўз самарасини кўрсатяпти. Болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонида мувофиқ Хоразм виллояти мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллиги арафасида Жалолитдин Мангуберди ордени билан мукофотланган эди.

Давлатимиз раҳбари Ватанимизнинг ана шу юксак мукофотини топириш учун 2 декабрь кунини Хоразм виллоятига таширф буюрди.

Виллоят ҳўкимлигида бўлиб ўтган тантанали маросимни Хоразм виллояти ҳўқими, Ўзбекистон Қўҳрамони И.Бобононов очди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади.

Ўртабўшимиз Хоразм элининг улуғ аждодларга хос мардлик ва жасорат, Ватанга муҳаббат ва садоқат аъёнларини муносиб давом эттириб келаётганини, мураккаб табиий шароитда ўз матонатини намойён этиб, ҳаётнинг барча жабҳаларида юксак натижаларга эришяётганини алоҳида таъкидлади. Буюк тарихий ва маънавий меросимизни асраб-авайлаб, дунёга машҳур этаётган, ёш авлодни ҳақиқий ватанпарварлик руҳида тарбиялаётган Хоразм аҳлининг фидокорона меҳнати ҳар қанча таҳсинга лойиқ.

Давлатимиз раҳбари Ватанимизнинг юксак мукофотини Хоразм виллояти ҳўқимида топириди.

Тадбирда сўзга чиққан меҳнат фаҳрийси Йўлдош Ҳожиёв, Зулфия мукофоти совриндори Малоҳат Рўзметова, «Хоразм-Нурот» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси раҳбари Пулат Сафаров ва Ўзбекистон Қўҳрамони Вера Пак виллоятнинг Жалолитдин Мангуберди ордени билан мукофотлангани буюн воҳа элини беҳад қувонтирганини таъкидлаб, бундай юксак эътибор учун Ўртабўшимизга миннатдорлик билдирди.

Шу кунини давлатимиз раҳбари Хива шаҳридаги «Хива-Карпет» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасини бориб кўрди. Корхона маҳсулотлари нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам ўз харидорини топган. Германия, Франция, Швейцариядан келтирилган замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган корхонада 700 га яқин йигит-қиз меҳнат қилмоқда. Корхона бир йилда 2,4 миллион квадрат метр гилам ва гилам маҳсулотлари тайёрлаш қувватига эга. Корхона цехларини айланиб, замонавий тўқув дастгоҳлари, гилам тўқиш жараёни билан танишган Ўртабўшимиз гиламларнинг замонавий, миллий шакл ва услубдаги янги нусхаларини яратиш, бунга ёш муассирларни кенг жалб этиш лозимлигини ўқтирди.

Президент Ислам Каримов Урганч шаҳридаги ҳарбий қисмлардан бирида бўлиб, аскарлар билан суҳбатлашди. Уларнинг яшаш шароити, ҳарбий жанговарлик тайёргарлиги билан қизиқди.

Шу йилнинг май ойида Хоразм виллоятида «Умид ниҳоллари» республика мусобақаларининг финал босқичи бўлиб ўтган. Мусобақаларнинг очилиш ва ёпилиш маросимлари тўлиқ қайта таъмирланган «Хоразм» спорт мажмуида ўтказилган эди.

Давлатимиз раҳбари спорт мажмуида бўлиб, бу ерда амалга оширилган ишларга юқори баҳо берди.

Урганч олимпия заҳиралари касб-ҳунар коллежи «Умид ниҳоллари» республика ўйинларининг очилиши арафасида иш бошлаган эди. Салкам бир йил ичида беш минг томошабинга мўлжалланган замонавий стадион, очик ва ёпиқ сузиш ҳавзалари, бокс ва кураш заллари, теннис кортлари, бадий гимнастика маркази бунёд этилди. Бу ерда спортнинг 20 тури билан шуғулланиш имконияти мавжуд.

Бадий гимнастика марказида бўлган давлатимиз раҳбари гимнастикачи қизларнинг кўргазмачилик чиқишларини томоша қилди.

Воҳид ЛУҚМОНОВ,
Темур ШАМАКОВ,
ЎЗА махсус муҳбирлари

XXI саҳоси
Барча жалбалардан
олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кеча Оксаройда Россия Федерацияси соғлиқни сақлаш вазири Юрий Шевченкони қабул қилди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Россия ўртасида соғлиқни сақлаш соҳасида ҳамкорликни ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

• Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Президент асарлари билимдонлари» республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

• Ўзбек Миллий академик драма театрида «Обод маҳалла»нинг мазмун-моҳиятини, миллий қадриятлар ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясини тарғиб этишда энг фаол катнашган маҳалла оқсоқоли» республика кўрик-танлови якунланди.

• Кеча Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси соғлиқни сақлаш вазирилари ўртасида ўзаро фойдали алоқаларни ривожлантиришни кўзда тутувчи ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

• Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Воғда етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлди.

• «Ўзэкспомарказ» савдо-кўргазмалар марказида аъёнанинг тўрт кунлик республика улғуржи савдо ярмаркаси очилди. Унда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг умумий қиймати 210 миллиард сўмлик маҳсулоти намойиш этилмоқда.



Жаҳонда

• Япония бош вазири Дзюньитиро Коидзуми гарчи қўрбонлар берилаётган бўлса-да, Кункикар мамлакат Ироқни тиклаш жараёнида фаол иштирок этишини таъкидлади.

• Халқаро ОИТСга қарши кураш кунини муносабати билан БМТ янги дастур эълон қилди. 5,5 миллиард АКШ долларини ҳажмидаги ушбу дастур дунё микёсида ОИТСга қарши курашни янада кучайтириш бўйича чора-тадбирларни ўз ичига олади.

• Хитойнинг шимоли-шарқий қисмида Рихтер шкаласи бўйича 6,1 баллик зилзила юз берди. Ер қимирлаши оқибатида камида 10 киши ҳаётдан кўз юмди, 40 га яқин киши жароҳатланди.

• Афғонистон халқи ўз тарихида йирик воқеа — президентлик сайловларига тайёргарлик кўрмоқда. Келаси йилнинг 20 июнига қадар 18 ёшдан ошган барча эркак ва аёллар қайта рўйхатдан ўттирилади ва президентлик сайловларида катнашиш ҳуқуқига эга бўлишади.

• Буюк Британияда янги конун қабул қилинди. Унга кўра эндиликда автоуловни бошқариш вақтида уяли телефонда гаплашиш қатъий тақиқланади. Ушбу конунни бузувчиларга эса катта миқдорда жарима солинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

АҲОЛИГА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ХИЗМАТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Вазирлар Маҳкамаси қайд этилдики, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимининг ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида» 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ-2107-сонли Фармонида мувофиқ республикада замонавий, юксак ҳажон талабларига жавоб бериладиган ташхис қўйиш ва даволаш тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган, юқори малакали врачлар ва ўрта тиббиёт ходимлари билан таъминланган шўшинч тиббий ёрдамнинг яхлит тизимини яратилган ва самарали фаолият кўрсатмоқда.

Аҳолига шўшинч тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этишни янада такомиллаштириш ва унинг сифатини оши-

риш, шўшинч тиббий ёрдам тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Аҳолига шўшинч тиббий ёрдам хизмати, айниқса республика минтақаларида янада ривожлантириш, тизимда ишлаётган кадрларни рағбатлантиришни кучайтириш, замонавий, юқори технологияли ташхис қўйиш ва даволаш асбоб-ускуналари билан малакали фойдаланишни ва уларга сервис хизмати кўрсатишни таъминлаш соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ҳозирги босқичнинг устувор вазифи ҳисоблансин.

Давоми 2-бетда.

ПОЙТАҲТНИНГ Дастури Янгиликлар, воқеалар

ЎЗБЕКИСТОН

• Фанлар академиясининг тарих институтиди тарихчи олимлар иш-тирокида бўлиб ўтган илмий-амалий анжунан «Ўзбекистонда тарих фани» деб номланди.

• ЧИЛОНЗОР туманидаги 205-мактабда ўқитувчилар ва ўқувчилар иштирокида уюштирилган тадбир гиёвандлик ва ОИТСга қарши кураш масаласига бағишланди.

Тошкент шаҳар ҳўкимлиги Матбуот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

ОБЪЕКТ — 2004

«ОҚШОМ» БИЛАН
БИРГА БЎЛИНГ!

Кадрли газетхонлар! Айни кунларда сиз ҳаммиса севиб мутолаа қиладиган «Тошкент оқшоми» газетасига 2004 йил учун обунга қизгин давом этмоқда. Бинобарин, у сизга ҳар доим энг яқин суҳбатдош, дўст, ҳамкор ва ҳамроҳ бўлиб келган. Бунини шу кунларда тахририятга келаётган дил номаларидан ҳам билиш мумкин. Газетага бўлган юксак меҳрингиз, садоқатингиз учун сизларга катта ташаккуримизни билдирган ҳолда шу кунларда пойтахтимизнинг барча алоқа бўлимларида газетага обунга расмийлаштирилаётганини яна бир қарра эслатиб ўтishни лозим деб топдик.

«Тошкент оқшоми» келгуси йилда ҳам мамлакатимизда, унинг асим пойтахтида ва жаҳонда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар, янгиликларни тезкорлик билан ёритади, сиз севиб ўқийдиган ранг-баранг мавзудаги мақолалар газета саҳифаларидан мунтазам ўрин олади, деб ишонтирамыз. Шундай экан, вақтни ганимат билиб севибли нашрингизга обунга бўлишга шайлангиз. Шундагина сизнинг нури хонадонингизга 2004 йилнинг дастлабки кунидан бошлаб «Оқшом»нинг ўзи ташриф буоради.

ҚИММАТБАХО
СОВГАЛАР
КУТМОҚДА

Айни кунларда пойтахтимиздаги барча почта бўлимларида газета ва журналларга келаси йил учун қизгин давом этмоқда. «Тошкент почта» акциядорлик жамияти ходимларининг сўзларига кўра шахримиз аҳолиси ўзлари яқинлик билан ўқийдиган «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарига ҳам севиб обунга бўлишмоқда.

Дарҳақиқат, обунга мавсумининг кўнгилдагидай ўтишида почта бўлимлари ходимларининг ҳам ўзига хос ва муносиб ҳиссалари бор. Чунки ушбу соҳа хизматчиларига обуначилар даврий нашрларга обуналарни расмийлаштириш масаласида доимо мурожаат этишади.

Ҳақиқатан ҳам кўпшанцияларни беҳато тўлдириш, қайси нашрга обунга бўлиш хусусида ўз маслаҳатларини беришда бу соҳа хизматчиларининг ўрни салмоқлидир. Бинобарин, алоқа бўлимларида «Оқшом» газеталарига ёзилиб, чунки бу газеталар ўз шахрларининг севадиган инсонларнинг наشريдир» деган сўзлар ҳам тез-тез эшитилиб қолади. Шундай қилиб, «Оқшом» газеталари тахририяти почта бўлимларининг жонқар худимлари учун махсус танловни эълон қилишга қарор қилди. Айтмоқчимизки, пойтахтнинг «Оқшом» газеталарига обунга мавсуми кезларида қайси почта бўлими кўп миқдорда обунга ташкил этса уни қимматбаҳо совгалар кутади.

Янги — 2004 йилда «Оқшом» билан бирга бўлинг!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

АҲОЛИГА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ХИЗМАТИНИ ЯНАДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Давоми. Боши 1-бетда.

Аҳолига шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини ривожлантиришни амалий қўллаб-қувватлаш учун Республика шошилинч тиббий ёрдам маркази ҳузурида бюджетдан ташқари шошилинч тиббий ёрдам хизматини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси ташкил этилсин.

Кўйидагилар: давлат бюджети маблағлари, шу жумладан бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш ҳисобига тежалган маблағлар; юридик ва жисмоний шахсларнинг, Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва нереидентларнинг ҳомийлик маблағлари, халқаро ташкилотларнинг грантлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар Жамғармани шакллантириш манбалари этиб белгилансин.

Белгилаб қўйилсинки, Шошилинч тиббий ёрдам хизматини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги Низом тасдиқлансин.

3. Шошилинч тиббий ёрдам хизматини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармасининг ҳомийлик кенгаши тўзилсин.

Ҳомийлик кенгашига қўйидаги вазифалар юклансин:

шошилинч тиббий ёрдам хизматининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уни замонавий ташхис қўйиш ва даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш бўйича вазифаларни амалга оширишга бутун чоралар билан қўмқолаш;

шошилинч тиббий ёрдам хизмати ходимларининг малакасини оширишга, хизматнинг тиббиёт муҳандис-техник ва ёрдамчи ходимлари меҳнатини моддий рағбатлантиришни қўйишга қўмқолаш;

шошилинч тиббий ёрдам хизматини ривожлантириш бўйича вазифаларни ҳал этиш учун манфаатдор давлат ва жамоат тузилмаларини, халқаро ташкилотларнинг, мамлакатимиздаги ва хорижий инвесторларнинг кенг жалб этилишини таъминлаш;

шошилинч тиббий ёрдам хизматини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши устидан назоратни амалга ошириш.

4. 2004 йил 1 январдан бошлаб шошилинч

ва тез тиббий ёрдам хизмати ходимларининг, шу жумладан муҳандис-техник ходимларининг лавозим маошлари Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткаси бўйича тариф разрядини ошириш ҳисобига 15 фоизга оширилсин.

Белгилаб қўйилсинки, амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган икки ёки ундан кўп асослар бўйича маошларни ошириш ҳуқуқига эга бўлган бўлиналар ва лавозимлар учун маошларни ошириш миқдори 30 фоиздан ошмаслиги керак.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2004 йил 1 январгача:

шошилинч тиббий ёрдам республика маркази ҳузурида юқори малакали муҳандис-мутахассислардан ноёб, юқори технологияли ташхис қўйиш ва даволаш асбоб-ускуналарига сервис хизмати кўрсатиш ва уларни таъмирлаш бўйича 20 кишидан иборат кўма хизмат ташкил этсин;

сервис хизмати кўрсатиш муҳандис-техник ходимларини ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш, шу жумладан юқори технологияли ташхис қўйиш ва даволаш асбоб-ускуналарини ишлаб чиқариш ва етказиб беришчи хорижий фирмаларда бевосита тажриба орттириш бўйича тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин;

шошилинч тиббий ёрдам республика марказидаги, вилоятлар ва туманлар филиалларидаги ҳамда сервис хизмати кўрсатилиши ва таъмирланиши керак бўлган тиббий асбоб-ускуналар ва техникалар рўйхатини тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини иқтисодий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда:

юқори технологияли ташхис қўйиш ва тиббиёт асбоб-ускуналарига сервис хизмати кўрсатиш учун масул бўлган муҳандис-техник ходимлар лавозимлари рўйхатини;

шошилинч тиббий ёрдам хизмати ходимлари учун улар ишининг тезкорлик ва тизимли характерини ҳисобга олувчи штат нормативларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2004-2005 ўқув йилидан бошлаб:

тиббиёт олий ўқув юрларининг даволаш факультетлари талабаларининг, тиббиёт коллежлари ва ўрта тиббиёт ходимлари малакасини ошириш бўйича ўқув юрлари ўқувчи-

ларнинг ўқув дастурига шошилинч тиббий ёрдам масалаларини мажбурий равишда чуқур ўрганишни киритсин;

«Шошилинч тиббий ёрдам» ихтисоси бўйича магистратура очилиш назарда тутилсин; «Шошилинч тиббиёт врачлари» мутахассисига нисбатан малака тавсифномалари ва талабларини ишлаб чиқсин ва уни врачлик ихтисослари классификаторига киритсин;

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтини ҳузурида шошилинч тиббий ёрдам кафедрасини ташкил этсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

шошилинч тиббий ёрдам республика марказига Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан 2003 йилда 50,0 миллион сўм ва 2004 йилда 150,0 миллион сўм ажратсин, бу маблағларни бюджетдан ташқари шошилинч тиббий ёрдам хизматини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармасига мақсадли ўтказсин;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда ҳар йили республика бюджетини шакллантиришда шошилинч тиббий ёрдам хизмати учун асбоб-ускуналар, анжомлар, тиббиёт буюмлари, эҳтиёт қисмлар ва сарфланадиган материаллар харид қилиш харажатларини алоҳида сатрда ажратиб кўрсатилишини назарда тутилсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда шошилинч тиббий ёрдам хизматининг вилоятлар, шаҳарлар ва туманлардаги бўлиналарини қўллаб-қувватлаш юзасидан уларни замонавий, юқори технологияли тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, мамлакатимиздаги ва чет эллардаги етакчи клиникалар ҳамда тиббиёт асбоб-ускуналари ишлаб чиқарувчилар базасида тиббий ва муҳандис-техник ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга доир тадбирларни ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А.Азизхўжаев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 2 декабрь

Конституцияниг асослари ва асос қилишда

ХУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР УСТУВОР

Мустақиллик халқимизнинг асрий эзгу истакларини муҷассамлаштирган орзу-умидлари рўёбга чиқishi даврини бошлаб берди. Бу даврнинг асосий белгилари инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига асосланган демократияни қарор топтириш, ижтимоий адолатни ҳаётнинг ҳамма соҳаларига сингдиришдан иборатдир.

Инсон ва унинг ҳуқуқи, эркинлиги эса ҳозирги замоннинг энг долзарб масалаларидан биридир. Давлат, жамият ва инсон ўртасидаги муносабатларда фуқароларнинг ҳақли ҳуқуқ ва эркинликларини доимо мустақим ҳимоя қилиш зарур бўлиб келган ва ҳозир ҳам шундай аҳамиятга эришмоқда. Шу боисдан республикамиз Асосий Қонунида бу масалага жиддий эътибор берилган.

Жамият аъзоларининг ҳуқуқларини ҳал этиш, уларнинг эркинликларини мустақимлаш ва таъминлаш мустақил давлатимизнинг олий мақсади эканлиги 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз ифодасини топти. Мазкур қонун жамиятимизда шахсининг ҳуқуқ ва эркинликларини давлат фаолиятининг энг муҳим соҳаси эканлигини шакл-шубҳасиз тасдиқлайди. Инсон ҳуқуқлари умумий декларациясида эътироф этилган шахсининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат этиш тушулмаси Конституцияга унинг асосий тамойиллари сифатида киритилган. Конституцияимизнинг иккинчи бўлими «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари» деб аталади. Унда умумий қоидалар ва фуқаролик масалалари билан бир қаторда фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳуқуқлари асослари қонунан мустақимлаб қўйилган. Хусусан, улар

нинг шахсий ва ҳуқуқ эркинликларини негизлари Конституциянинг 24-31-моддаларида акс эттирилган. Конституцияимизнинг 24-моддасида «Янаша ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир», дейилган.

Асосий Қонуниимизнинг 26-моддасида эса «Жиноят содир этганликда айбланган ҳар бир шахсининг иши судда қонуний тартибда, ошқора қўриб чиқилиб, унинг айби аниқланганга у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шaroитлар таъминлаб берилди. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зуравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситишга бошқа тарздаги таъзияк дучор этилиши мумкин эмас.

Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий таҳрирлар ўтказилиши мумкин эмас», деган қоидалар мустақимлаб қўйилган.

Шахсининг ҳуқуқ ва эркинликларининг асосий белгилари бўлган фуқароларнинг шахсий ҳаёти, уй-жойининг ҳақсизлиги, ёнма-яна, тинтув ўтказиш ва телефонда сўзлашувларнинг сир тутилиши ва уни ошқор қилиш мумкин эмаслиги ҳам Конституцияимизнинг 27-моддасида мустақимлаб қўйилган. Қонун давлат органлари ва мансбдор шахсларнинг қонун талабига эид хатти-ҳаракатларига кескин тўсиқ қўйди.

ҳофаза этилишини кафолатлайди.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби ҳақсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкинлиги белгиланган. Асосий Қонуннинг 54-моддасига мувофиқ эса «Мулкдор мулкига ўз хоҳишига эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўрилган ҳақларни мақсадларини бузмаслиги шарт» деб мустақимлаб қўйилган.

Бир сўз билан айтганда, бутунги кунда миллий аниқлашнинг, тарихий ёдгорликларимизни келажақ авлод учун сақлаб қолиш ва бойитиш, қадриятлар, урф-одатларни янада юксакликка кўтариш, мамлакат қудратини янада ривожлантириш, ҳуқуқий, демократик давлат қўришда Конституцияимизнинг роли катталигини халқимиз яхши тушуниб етди ва шу юксак таъд мўйинади у мамлакатимиз фуқароларининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, инсонпарвар демократик-ҳуқуқий давлат барпо этишда ҳамда халқларимиз тинчлиги ва миллий тўтулганлиги таъминлашда ўзини тўлуғлигича оқлай олди, десак янглишмаймиз.

Зеро, Конституция мамлакатдаги ҳар бир фуқаро сўянса, ишонса, қадрласа арзийдиган энг мўтабар ва энг муқим қонунлар мажмуи бўлиб, у халқимиз мафатларини тўла қаролатганини Бош Қомиссимиз бўлиб қолаверди.

Долорес АБИДОВА,
Тошкент молия институтининг
кафедра мудири, профессор.

Мағбурлар**КОНСТИТУЦИЯ
КУНИГА
БАҒИШЛАНДИ**

Ўзбекистонда «Дунё давлатлари маданияти кунлари»ни ўтказиш яхши анъанага айланиб бормокда. ЮНЕСКО ташкилотининг Бирлашган мактаблар лойиҳаси доирасида ташкил этилган навбатдаги тадбир Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн бир йиллигига бағишланди.

Тошкент давлат Техника университети ҳузуридаги академик лицейда уюштирилган бу анжуманда инсон ҳуқуқлари, маданий алоқаларга оид давра суҳбатлари ўқувчиларда қизиқиш уйғотди.

«Давлатнинг тарихи, маданият ва замон» деган кўргазма ҳам намойиш қилинди.

Таълим**ТАНЛОВ
ГОЛИБЛАРИ**

Тошкент Давлат педагогика университетиде йилнинг энг яхши профессор-ўқитувчилари, кафедра мудири ва факультет деканлари аниқланди. Олий ўқув юртида ўтказилган танловларда голиб чиққан илм-фан фидойилари орасида «Энг яхши декан» номини устоз олим Мамат Хайдаров кўлга киритди. У раҳбарлик қилаётган МНО ва дефектология факультети университетда намунали ҳисобланади.


Танловда «Энг яхши профессор», «Энг яхши декан», «Энг яхши кафедра мудири», «Энг яхши ўқитувчилар» голиб деб топилди. Талайгина иқтидорли толиби илмлар «Энг яхши лаборант», «Энг яхши талаба», «Энг яхши аспирант», «Энг яхши магистрант» деган фахрли ном эгалари бўлишди.

**ХАЛҚАРО
АНЖУМАНДА
КАТНАШИШДИ**

Тошкент Давлат авиация институтининг қатор йирик олий ўқув юртлари ва илмий марказлар, хусусан Киев миллий авиация университети билан ҳамкорлиги аниқсқа яхши самаралар бермокда.

Ушбу нуфузли университет юқунда ўзининг 70 йиллигини нишонлади. Шу муносабат билан Киев шаҳрида халқаро илмий-техник конференция ўтказилди. Бу тадбирларда Украина авиациясининг юз йиллик юбилейига бағишланган илмий маърузалар қилинди. Халқаро анжуманда Тошкент Давлат авиация институтидан вакиллар ҳам иштирок этди. Узро илмий ҳамкорлик алоқалари ҳақида ҳам илиқ гаплар айтилди.

Ахбар АЛИЕВ

ДЕМОКРАТИЯ МАКТАБИ

Ҳисобот-сайлов йиғилиши аввалида ишчи гуруҳи раисининг таклифига кўра йиғилиш раёсати сайланиб, сайлов очик деб элон қилинди ва кун тартибига қўйилган масалалар билан йиғилганлар таништирилди.

Дастлаб 2001-2003 йиллар мобайнида қилинган ишлар юзасидан маҳалла фуқаролар йиғини раиси Исроил Исоқовнинг ҳисоботи тингланди. Маҳалла оқсоқоли маҳалладошларга эътиборига икки ярим йил давомида бажарилган ишларнинг асосийларини махсус тузилган жадваллар асосида батафсил сўзлаб ўтди. Жумладан, энг муҳими, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам пуллари ажратилди. Мустиқиллик, Наврўз, Хотира ва Қадрлаш кўни, Янги йил байрамларида маҳалла гузарига маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилди ва иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига, ногирон ва қаровчисига бўлмаган қарияларга моддий ёрдам кўрсатилди ва совға-саломлар билан йўқлаб турилди. Маҳаллада янги очилган игна билан даволаш клиникасида ногирон, қаровчисига йўқ қарияларни бепул даволаш йўлга қўйилди.

Маҳалла болаларининг соғлом ва бақувват ўсишлари учун ўтган йили туман ҳокимлиги, туман ички ишлар бошқармаси ва «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими ташаббуси билан «Ёш спортчилар маркази» қурилди. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш учун сартарошхона, новвойхона, телевизор таъмирлаш устaxonаси ишга туширилди. Бобур номли 121-мактабда тахсил ола-

ётган кам таъминланган оилалар фарзандлари бўлмиш 3 та ўқувчига ҳар ойда маҳалла жамғармасидан ажратилган Бобур стипендиялари бериб борилди. Маҳалланинг «Осоқлик» ширкати билан бирга ишлаш натижасида 72 та оиллага коммунал хизмат пуллари тўлаб борил-

**ЯНГИ НОМЗОДГА
ИШОНЧ БИЛДИРИЛДИ**

Кўни кеча Мирзо Улуғбек туманидаги Бобур маҳалласида ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Маҳалла фуқаролари, туман ҳокимлиги вакиллари қатнашган очик мулоқот тарзидаги ҳисобот йиғилиши ошқорча, халқ хоҳиш-иродасини жамлаган ҳолда баҳс ва мунозараларга бой бўлди.

Шу билан бирга маҳалла оқсоқоли баъзи бир режалаштирилган ишларнинг ўз якунини топмаганини ҳам таъкидлаб ўтди.

Шундан сўнг тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тингланди. Йиғилиш қатнашчилари Исроил Исоқовнинг ва тафтиш комиссиясининг ҳисоботларини қониқарли деб топишди.

Маҳалла оқсоқоллигига Мажид Умаров, Мирғофур Раҳимов ва Исроил Исоқовларнинг номзодлари кўрсатилди. Исроил Исоқов соғлиги ёмонлашгани туфайли даволаниши лозимлигини билдириб, ўз номзодини олишини билдирди. Маҳалладошлар оқсоқолнинг илтимосини қабул қилдилар.



Мирғофур Раҳимов маҳалладошларнинг яқдиллик билан қўллаб-қувватлаши остида очик овоз бериш йўли билан оқсоқол этиб сайланди.

Янги сайланган оқсоқол ўзига билдирилган ишонч учун маҳалладошларига миннатдорчилик билдирар экан, келгусида маҳаллада ёшлар учун спорт майдончасини қуриб битказишга, маҳаллада ободончилик ишларини йўлга қўйиш, кам таъминланган оилаларга мунтазам равишда ёрдам кўрсатиб бориш, маҳалла кўчаларидаги электр чирокларини тузатиш ва яроқсизларини янгилашга, маҳалла аҳолиси ўртасида аҳиллик, яқдилликни мустаҳкамлашга ваъда берди.

Сўнг оқсоқол маслаҳатчилари ва тафтиш комиссияси аъзолари ҳам сайланди.

Маҳалла фаолларининг ғайратли, меҳнаткаш, эл-юрт орасида обрў-эътиборли, намунали хулқ-атворли кишилар орасидан сайланганлиги қувонарли ҳол, албатта.

Очик мулоқот тарзида, юқори кўтаринкилик ва фаолликда бўлиб ўтган сайлов натижаси барча йиғилганларга маъқул бўлди. Маҳалла аҳли янги сайланган оқсоқол билан келгуси мақсад ва режаларни фикрлашиб таклиф ва истақларини билдириб яна узок вақт суҳбат курдилар.

Соҳиба УМАРОВА

СУРАТЛАРДА: Бобур маҳалласида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишидан лавҳалар.

— Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

Граммиз урғулари**ЎЗБЕК ОЛИМПЛАРИ —
НЬЮ-ЙОРК АКАДЕМИЯСИ
АЪЗОЛАРИ**

Нью-Йорк Фанлар академияси ўзининг йиллик фаолиятини яқунлашга киришди. Бу нуфузли фан марказига аъзо бўлган ўзбекистонлик таниқли олимлар ҳам бир йил давомида амалга оширган ишлари тўғрисидаги ҳисоботини йўллашди.

Нью-Йорк Фанлар академияси йирик халқаро илмий ташкилотлардан бири саналади. У 1817 йилда тасис этилган бўлиб, жаҳондаги 150 дан ортиқ мамлакатнинг машҳур тадқиқотчиларини ўз атрофига бирлаштирган. Халқаро Нобель мукофотида сазовор бўлган 40 дан ортиқ илм-фан соҳибига ҳам унга аъзо этиб сайланган.

— Бундай оқсак шарафга мамлакатимиздан ҳам бир неча олим муяссар бўлди, — дейди Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти Тоҳир Орипов. — Кўзга қўринган кимёгар олим Зокиржан Салимов эса Нью-Йорк Фанлар академиясига ўзбек диёридан сайланган дастлабки академиклардан бири. Халқаро илмий жамоатчилиқка яхши танилиб қолган академик З.Салимов Ўзбекистон Фанлар академиясининг умумий ва ноорганик кимё институтига моҳирлик билан раҳбарлик қилиб келмокда. Илмий муассасанинг

20 га яқин лабораториясида етти мавзу бўйича тадқиқотлар олиб борилмокда. Паста-ни қайта ишлаш ва ёғ-мой корхоналари ён-атроф худудларида ҳаво таркибида бўлган толали чанглари тутиб, улардан ишлаб чиқаришда қайта фойдаланиш ҳамда экологик ҳолатни яхшилашга қаратилган илмий излашлар қутилган натижаларни бермокда.

Экологик жиҳатдан соф технологияларни қўллашда ҳам самарадорликка эришилмокда. Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги З.Салимовнинг бу йилги сермаҳсул ишлари учун «Халқаро иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти»нинг биринчи даражали мукофоти билан тақдирланиши ҳам нур устига аъло нур бўлди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Зоология институтининг бўлим бошлиғи Исқандар Мирабдуллаевга ҳам катта ишонч билдирилди. Эндилдикда нуфузли академия-

нинг ҳақиқий аъзоси бўлган бу фан арбоби хайвонлар экологияси ва эволюциясини тадқиқ этиш билан жиддий шугулланиб, катта илмий ютуқларни кўлга киритди. Оролбўйи экологиясини ўрганиш борасида кўп иш қилди. Халқаро Жорж Сорос жамғармасининг иккита гранти бўйича тадқиқотлар олиб борди.

Ўзбекистон Фанлар академияси Сейсмология институтининг етакчи олими Музаффар Боқиевнинг халқаро академияга ҳақиқий аъзо этиб сайланганига бир неча йил бўлди. Бу орада у э.и.зиладор ўлкамизда тарқалган тоғ жинсларининг физик хоссаларини лаборатория шароитида тадқиқ этишда самарали натижаларни кўлга киритди. У ўзининг илмий хулосалари бўйича Франция, Германия, АҚШ, Хитой каби мамлакатларда ўтказилган анжуманларда илмий чиқишлар қилди.

Андижон давлат тиббиёт институтини кафедра мудири профессор Марк Аграновский ҳам Нью-Йорк Фанлар академиясининг аъзоси янглиф кўпчилиқка яхши танилди. Унинг янги самарали даволаш усуллари тиббиёт амалиётида кенг қўлланилмокда.

Олимларимизнинг халқаро доирада эришаётган ютуқлари Ўзбекистон Фанлар академиясининг 60 йиллигига ҳам муносиб армуғон сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Анвар АЛИБОВ

**МУЗЕЙДА ЎҚУВ
МАШҒУЛОТЛАРИ**

Ўзбекистон Тарихи давлат музейида талаба ёшлар учун ўқув машғулотлари йўлга қўйилди. Ўзбекистон Миллий университети-нинг «Ўзбекистон тарихи» кафедраси ташаббуси билан бундай таълимий жараён амалга оширилмокда.

«Ўзбекистон тарихи» машғулотларини ушбу музей залларида олиб бориш талабаларда катта қизиқиш уйғотмокда. Бундай усул университет аудиторияларида берилаётган билимдан кўра самарали эканлигини кўрсатди.

Музей билан олий ўқув юрти ўртасида тузилган шартномага кўра, экспонатлар билан ишлаш жараёни ҳам амалга оширилмокда.

Эндилдикда музей заллари пойтахтимиздаги бошқа олий ўқув юртлари талабалари учун ҳам дарсхонага айланиб қолди.

2001 йил 29 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи чақирик, олтинчи сессиясида «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Конун қабул қилинди.

Ушбу конуннинг қабул қилиниши муносабати билан конун нормаларига киритилган ўзгаришлар билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексига янги «ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш», 66-1 моддаси киритилди. Ушбу модда талабига қўра, Жиноят Кодексининг 26-та моддасида акс эттирилган 32 турдаги жиноятларни содир этган фуқаролар ўзaro келишган ҳолда жиноят иш тақдирини ҳал қилиш тарафларнинг ўз ихтиёрига берилди.

Ярашув институтининг ижтимоий аҳамияти ҳудуд катта. Чунки жиноятларнинг олдини олиш, жиноятга биринчи мартаба қўл урган шахсларнинг айбдорлик масаласини ҳал этмай туриб, жавобгарликдан озод қилиниши нафақат жиноят содир этган шахс, балки унинг фарзандлари ва ақинлари учун ҳам катта моддий, маънавий ҳамда тарбиявий аҳамиятга эга. Мазкур конун амалга киргандан буюн икки йилдан ортиқроқ вақт ўтди ва бу конуннинг моҳияти, унинг қўлланиши бўйича статистик маълумотлар ҳуқуқшунос олимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, судьялар томонидан оммавий ахборот воситалари орқали халққа етказиб борилмоқда. Шу сабабдан биз суд амалиётида қўрилган ишларни мисол тариқасида келтиргани ҳолда ярашув институтининг моҳияти ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчимиз.

Собир Раҳимов тумани ҳудудда содир этилаётган соғлиққа қарши жиноятларнинг аксарият қисми оилавий жанжаллар оқибатида вужудга келаётгани туман жиноят ишлари бўйича судида қўрилган жиноят ишларидан ўз ақсини топиб турибди. Ярашув институти қабул қилингани қадар бу тоифадаги жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан жиноят ишларининг аксарияти дастлабки тергов якунига қўра, ярашгандан қатъи назар айблов фикри тузилиб мазмунан

қўриб чиқиш учун судларга юбориб келинган, ярашув институти жорий этилган эса жиноят ишларининг 90 фоизи суриштирув, тергов органлари томонидан жиноий қилмиш оқибатида жабрланган шахс ёки унинг қонуний вакилининг ярашув тўғрисидаги аризасини олган, етти суткадан ортиқ бўлмаган муддатда гумонланувчи, айбланувчининг розилиги

икрор бўлиб, қилган ишдан пушаймон эканини, турмуш ўртоғи билан ярашиб кетишганини, қарамоғида 2 нафар воғга етмаган фарзандлари борлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 66-1 моддасига қўра унга нисбатан жиноят ишини ҳаракатдан тўхтатишни сўради. Суд мажлиси жараёнида жабрланувчи Лайло, судланувчи билан ярашиб кетишганини, унга даъво-си йўқлигини билдириб, судланувчига нисбатан жиноят

Суд ислоҳоти ЯРАШУВ ИНСТИТУТИНИНГ МОҲИАТИ

билан ишни судга юбориш тўғрисида қарор чиқаради. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 583-моддаси талабига қўра, ярашув тўғрисидаги ариза жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) ёхуд унинг қонуний вакили томонидан суриштирув ва дастлабки терговнинг, шунингдек суд муҳокамасининг истилган босқичида, аммо суд масалаҳатхонага киришдан олдин берилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Ярашув институтининг моҳиятини, тергов ва судда иш юритиш жараёнларининг соддалаштирилганини, улар билан боғлиқ ортиқча чиқимларни бартараф этиши, жамиятнинг бир бўғини бўлган оилани сақлаб қолишга кўрсатган таъсири, оила бюджетига келтириши мумкин бўлган моддий зарарни бартараф этиши каби ижобий таъсирларини суд амалиётидаги мисоллардан ҳам яққол қўриш мумкин.

Жумладан, дастлабки терговда аниқланишича, судланувчи Машраб (исмлар ўзгартирилган) 2003 йилнинг 25 июнь куни, соат тахминан 23-00 лар атрофида турмуш ўртоғи Лайло билан ўзаро ўрталарида келиб чиққан келишмовчилик натижасида, жанжаллашиб қолишиб, ушбу жанжал оқибатида турмуш ўртоғининг чап юзига қўли билан уриб, сочидан ушлаб бошини икки мартаба девога уриб, тин жароҳати етказган.

Судда сўроқ қилинган судланувчи Машраб айбига тўлиқ

ят ишини ҳаракатдан тўхтатишни сўраб, судга шу ҳақда ариза тақдим қилди. Суд аризани инобатга олиб, судланувчи Машрабга нисбатан жиноят ишини тўхтатиб, жиноий жавобгарликдан озод қилишни лозим топди.

Агарда ярашув институти жорий этилмаганда юқорида кўрсатилган шахс айбли деб топилиб, унга Жиноят Кодексининг 109-моддаси 2-қисмида кўрсатилган «энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари, ёхуд тўрт ойгача қамоқ» жазоларидан бирини тайинлашга тўғри келар эди. Бу албатта оиланинг молиявий аҳволига ўз таъсирини кўрсатган бўларди ёхуд унинг бутунлай бузилиб кетишига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатни келтириб чиқарар эди. Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди 2003 йил 25 октябрдаги Пленумида «Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида» қарор қабул қилди. Қарор ўтган давр ичида бу тоифадаги жиноят ишларини қўришда тергов ва суд амалиётида вужудга келаётган муаммоларни ҳал этишда жуда ҳам яхши раҳбарлик қўрсатма бўлиб келмоқда.

Раҳимжон АЛИЕВ,
жиноят ишлари бўйича
Собир Раҳимов туман
суди судьяси.

Қилмиш-қидирмиш

САЁҚ ЮРСАНГ, ТАЁҚ ЕЙСАН

Ота-она учун ҳаётнинг лаззати—фарзандининг иқболини қўришдир. Агар фарзанд ноқобил чиқса, нафақат ота-она, бутун маҳалла-қўй бундан азият чекади.

Карим ота ҳам ўғли Исрофнинг роҳатини қўриш учун не-не машаққатларни бошидан ўтказмади. Ёлғиз ўғли, ўз оиласининг ҳеч кимдан кам бўлмаслиги учун елди-югурди. Аммо Исроф отасининг ишончини поймол қилиб, ёлғизлигидан қийнақдорлик балосига берилди. Бу иллат орқасидан текканга тегиб, тегмаганга тош отадиган 21 ёшли аллқомат йигитнинг қиймаси нинчанин ҳолатини эслатади. Бор бунини дори олиш, айш-ишратга бағишловчи бу номард ўғил пул талаб қилиб, ўз отасини ҳам аямайдиған бўлиб қолди.

Бир куни эрта тонгда ширақайф ҳолда уйғонган Исроф дорининг ҳумори тутта бошлади. Кеча у бор пулини сарфлаб бўлганидан чўнтагида бир чакаси ҳам йўқ эди. Кейин у қариб қолган отасини тоғга ола бошлади, нобак ўғил ҳатто отасини дўппослашгача бораётди.

Қийинчилик билан нафақасидан пул йиғиб келаётган Карим ота хотинини жаллод ўғил чангалидан қутқариш учун пулини унга беришга мажбур бўлди. Қарғишга учраган фарзанд-

ни эса бугун фалокат қутаётганини ҳеч ким билмасди.

Пулни амаллаб олган ўғил Сергели туманидаги танишларининг олдига шошилди. У пуллари марихуана гиёвандлик моддасига алмаштириб келаётганида худди ўзи каби ширақайф ҳолда машинасини учуриб кетаётган ҳайдовчи томонидан уриб кетилди. Айни кунга, қувватга тўлган, отасини суянч бўладиган даврида ҳазон бўлган йигитнинг умри ана шу тариқа яқун топди. «Саёқ юрсанг, таёқ ейсан» деб беркорга айтилмаган.

Айни кунларда Сергели тумани ИИБ Жиноят қидирув ва жиноятга қарши кураш бошқармаси ходимлари томонидан ушбу жиноий иш юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Тошкент шаҳар ИИББ матбуот хизмати материаллари асосида
Дилдора РАХИМОВА тайёрлади.

Инсон ва қонун



Ўсиб келаётган ёшларни жамиятимизга ёт бўлган қарашлардан, содир этилиши мумкин бўлган жиноятлардан сақлаш, улар онгида инсонпарварлик, она-Ватанга садоқат ва муҳаббат, ватанпарварлик каби юксак туйғуларни ривожлантиришда ички ишлар идоралари ходимларининг қўшаётган ҳиссалари салмоқлидир.

СУРАТДА: Яккасарой туманидаги Юнус Ражабий маҳалласида жойлашган 430-милиция таянч пункти профилактика нозир Мансур Тургунов маҳалла посбонлари билан қилинадиган ишлар хусусида суҳбатлашмоқда.

Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.

• **Миробод туманида яшайдиган М.Рохила ўзининг таниши Ф.Зарифани алдаб сизга квартира олиб бераман деб 1400 АҚШ долларини олган.**

Олдин ҳам бунақа фибрибгарликларни амалга оширган жиноятчи учун бу иш жудаям осон. Лекин шаҳар бедарвоза бўлмаганидек, ушбу ҳолатга милиция ходимлари томонидан нукта қўйилди. Жиноятчи ушланиб пуллар эгасига қайтарилди.

• **Сергели туманида яшовчи Т.Лаппасов Сергели-3 мавзёсидаги ярмаркада бўлиб пайтдан фойдаланган ҳолда, Г.Кимга фибриб беради.**

У жабрланувчини алдаб «Ўздунробита» компаниясига ишга киргизиб қўяман деб, 200 000 сўм пулини олиб қайтариб бермаган. Натижада жабрланувчи милиция ходимларига мурожаат қилган. Жиноятчи ушланиб, ашёвий далил сифатида пуллар олинди.

Тошкент шаҳар ИИББ матбуот хизмати материаллари асосида
Сарвар СОБИРОВ тайёрлади

Солиқ

Яқинда Яккасарой тумани Х.Умаров кўчасида жойлашган «Меҳр қурилиш сервис» маъсулияти чекланган жамиятига қарашли автомобилларга ёқилги қўйиш шохобчасига харидор ўз енгил автомашинасига А-76 ёқилгисидан 30 литр харид қилиш учун кирган. Шохобча оператори Б.Каримов харидордан 7650 сўм пул олган ва «Самсуғ-250» назорат-касса аппарати орқали харид чекини уриб берган. Аммо харидор ёқилгининг тўлиқ қўйилганлигидан шубҳаланди. Тошкент шаҳар прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютга онд жиноятларга қарши курашиш бошқармаси томон йўл олди ва у ерда бошқарма ходимларига биланларини айтди. Ходимлар томонидан олиб берилган тезкор текширув давомида автомобилларга ёқилги қўйиш шохобчаси оператори Б.Каримов, харидорга А-76 ёқилгисидан 30 литр солиқ, ундан 7650 сўм пул олган ва одатгаддек «Самсуғ-250» назорат-касса аппарати орқали харид чекини уриб берган. Харидор ва сотувчи ўртасида ҳисоб-китоб тўлиқ амалга ошгандан сўнг ҳолислар иштирокида бошқарма ходимлари назорат-текшируви олиб борилган.

БИРОВНИНГ ҲАҚИ ЎЗГАГА БУЮРМАЙДИ

Текширув вақтида автомобилларга ёқилги қўйиш шохобчаси бош оператори А.Тўраҳўжаев кассасидаги савдо пул тушуми ҳисобланганда, кассадда 101799 сўм камомад борлиги, текширув кунин назорат-касса машинасидан соат 13-59да олинган ҳисоботга қўра, кун мобайнида НКМ хотирасига 2.144.330 сўм нақд савдо пули киритилган бўлиб, соат 14-00 да ушбу сумма, яъни 2 миллион 144 минг 330 сўм пул назорат-касса машина хотирасидан қайтарилганлиги маълум бўлган.

Бундан ташқари назорат-касса машинаси китоби 2003 йил 5 июндан бери юритилмаётганлиги, шунингдек текширув вақтида ёқилги харид қилган автомашина ёқилги қўйиш бақидига ёқилги ҳолислар иштирокида қайтадан ўлчанганда, 30 литр А-76 ёқилгисидан белгиланган тартибда 2,9 литр кам қўйилганлиги маълум бўлди. Ушбу ҳолатга аниқлик киритиш мақсадида АЁҚШ операторлари хонаси кўздан кечирилиши вақтида бошқарма ходимлари эътиборини хонадаги стул устидаги узоқ масофадан бошқариладиган мослама, яъни автомашиналарнинг пулти ўзига тортиди. Бу мослама ҳақиқатан ҳам хонанинг пол қисмининг тағидида бошқарув пултига уланганлиги маълум бўлди, ушбу мослама кўрсатилган миқдордан кам ёқилги қўйиш имконини яратувчи «SUN-1» техник мослама эканлиги аниқланиб, далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Текширув якунида ушбу техник мослама ишга яроқли ҳолда бўлиб, шохобча операторлари томонидан фойдаланиш жараёнида шохобчанинг барча ёқилги тарқатиш устуналари орқали ҳар 10 литр ёқилгидан 0,844 литр ёқилги олиб қолиниши, тақдим этилган ҳисоботга қўра кун мобайнида АЁҚШ-да 22052 литр А-76 ёқилгиси сотилган бўлиб, АЁҚШ операторлари томонидан жами 1861,2 литр — 474603 сўмлик А-76 ёқилгиси истеъмолчиларга кам қўйиш йўли билан ўзлаштирилганлиги маълум бўлди. Шунингдек АЁҚШдан олинган маълумотга қўра 2003 йил иш фаолияти мобайнида шохобча орқали жами 3 миллион 913 минг 571 литр—965 миллион 60 минг 680 сўмлик ёқилги маҳсулот сотилган. АЁҚШда ноқонуний равишда ўрнатилган «SUN-1»

кўрсатилган миқдордаги ёқилгидан кам қўйиш имкониятини яратувчи техник мослама орқали истеъмолчиларга 330 минг 305 литр, яъни 81 миллион 451 минг 121 сўмлик ёқилги кам қўйилиб, «Меҳр қурилиш сервис» МЧЖ раҳбари Р.Бахромов ва шохобча операторлари томонидан ўзлаштирилганлиги аниқланган.

АЁҚШ шохобчасидан ёқилгилар қолдиғи олиниб, ҳисобот билан солиштирилганда 933 минг 255 сўмлик камомад борлиги ҳам аниқланди. «Меҳр қурилиш сервис» МЧЖ раҳбари Рустам Бахромов билан ўтказилган профилактик суҳбат натижасида, у ўзи томонидан йўл қўйилган қонунбузарлик натижасида давлатга етказилган зарарни қоплашини билдириб, иштиёрий равишда етти миллион сўм бюджетга топширилган.

Бошқарма ходимлари томонидан олиб борилган тезкор тадбирларда яна бир ҳуқуқбузарликнинг олди олинди. Яъни Тошкент Ҳалқа йўлининг 2-километрида жойлашган «Шарқият аср» маъсулияти чекланган жамиятига қарашли автомобильларга ёқилги қўйиш шохобчаси катта оператори Ш.Абдумаликов томонидан тақдим этилган ҳисоботга қўра текширув кунини ҳолати бўйича Аи-93 бензин ёқилгисидан 170 литр миқдорда камомад бўлиб, шохобча ёқилги тарқатиш устуналари кўрсаткичига асосан кун мобайнида А-76 бензин ёқилгисидан 32029 литр, Аи-93 бензин ёқилгисидан 424 литр, яъни жами 7 миллион 805 минг 680 сўмлик бензин ёқилгиси истеъмолчиларга сотилган. Кўрсаткичларга асосан кун мобайнида жами 86 миллион 600 сўм ва фаолият давомида 375 минг 799 сўм пул назорат-касса машинасининг хотирасига киритилмаганлиги маълум бўлди.

Қинғир ишнинг қийини қирқ йилда ҳам чиқади деганларидек, энди ҳуқуқбузарлар қонун олдида қилишларига яраша жазоларини олишлари тайин.

Айни кунларда юқоридаги аниқланган ҳолатлар юзасидан суриштирув ва тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Ўлчанганда 1,78 литр бензин кам қўйилганлиги аниқланди. Бундан ташқари шохобча операторлари хонаси кўздан кечирилганда, у ерда бошқарув пултига уланган, яъни кўрсатилган миқдордан кам қўйиш имкониятини яратиб берувчи «Кармандаер» техник мосламаси ўрнатилганлиги ва унинг ишга яроқли эканлиги аниқланган. Шу билан бирга мосламадан фойдаланиш жараёнида бошқарма пултидаги 1-рақамли тутгани босиш билан шохобчада барча ёқилги тарқатиш устуналари орқали ҳар 50 литр бензин ёқилгисидан 2,5 литр кам қўйилиши аниқланди.

Текширув кунини мобайнида А-76 бензин ёқилгисидан 32,029 литр, Аи-93 бензин ёқилгисидан 424 литр сотилганлиги ҳисобга олинса, 1601,6 литр ёқилги, яъни 390 минг 284 сўм пул истеъмолчилардан ноқонуний равишда олиниб, АЁҚШ ходимлари томонидан ўзлаштирилган.

Шохобчада 8 та ёқилги тарқатуви устуналар мавжуд бўлиб, шулардан 7 таси ишга яроқли ҳолда эканлиги маълум бўлди. Автомобилларга ёқилги қўйиш шохобчаси катта оператори Ш.Абдумаликов томонидан тақдим этилган ҳисоботга қўра текширув кунини ҳолати бўйича Аи-93 бензин ёқилгисидан 170 литр миқдорда камомад бўлиб, шохобча ёқилги тарқатиш устуналари кўрсаткичига асосан кун мобайнида А-76 бензин ёқилгисидан 32029 литр, Аи-93 бензин ёқилгисидан 424 литр, яъни жами 7 миллион 805 минг 680 сўмлик бензин ёқилгиси истеъмолчиларга сотилган. Кўрсаткичларга асосан кун мобайнида жами 86 миллион 600 сўм ва фаолият давомида 375 минг 799 сўм пул назорат-касса машинасининг хотирасига киритилмаганлиги маълум бўлди.

Қинғир ишнинг қийини қирқ йилда ҳам чиқади деганларидек, энди ҳуқуқбузарлар қонун олдида қилишларига яраша жазоларини олишлари тайин.

Айни кунларда юқоридаги аниқланган ҳолатлар юзасидан суриштирув ва тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Қисмиддин
ТОШМУРОВО,
Тошкент шаҳар
прокуратураси ҳузуридаги
солиқ ва валютга
онд жиноятларга қарши
курашиш Бошқармаси
катта инспектори

Хотира

ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ ЁДГА ОЛИНДИ

Куни кеча «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ташаббуси билан, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ҳамкорлигида хизмат вазибаларини баҳариш вақтида ҳалок бўлган ва ногирон бўлиб қолган ички ишлар идоралари ходимларининг фарзандлари «Бунёдкор» ёшлар телеклубига тақдир этилди.

Тадбирда тинчлик, osoйишталик посбонларининг мардлик ва жасорати унутилмаслиги, ҳамisha халқ дилда мангу яшаб қолиши ҳақида гапирилиб, йиғилганларга улар ҳақидаги таассуротлар сўзлаб берилди.

Шундан сўнг клубга ташриф буюрган барча ўғил-қизларга уларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ва моддий томондан ёрдам кўрсатиш мақсадида катта концерт дастури намойиш этилиб, байрам дастурхони ёзилди ва эсдалик совғалари тарқатилди.

(Ўз мухбиримиз)

«02»: ҲОДИСАЛАР

• **Эркак киши оила бошлиғи. У рўзгор тебратиши керак. Лекин бирон-бир ишнинг бошини тутмаган оила бошлиғи қандай қилиб...**

П.Ашраф ҳеч қаерда ишламас эди. У осон пул топиш йўлини излади. Чиноз туманининг тоғли қишлоқларида яшовчи бир кишидан георин моддасини олиб сотмоқчи бўлди. У унча-бунча киши кўтариб юришга юраги дов бермайдиган даражада 2 килограмм 455,7 грамм георинни Тошкент шаҳрига олиб келди. «Чорсу» бозорида сотиш мақсадида айланиб юрган вақтида, уни қўриб гумон қилган милиция ходимлари томонидан тинтиб қўрилганда салкам 2,5 килограмм келадиған захарли оғу борлиғи маълум бўлди ва у ашёвий далил сифатида тортиб олинди.

• **Юнусобод тумани, Ҳасанбой даҳасидаги «Гулистон» автобуслар бехатида нота-ниш кимса безовталаниб у ёқдан бу ёққа юриб турарди.**

Уни кўрган ички ишлар ходимларидан бири секин унинг ёнига бориб, тинтиб кўрмоқчи бўлди. У қочишга ҳаракат қилди. Лекин узоққа кетолмади. Ушбу кимсанинг ёнидан 12,06 грамм марихуана гиёвандлик моддаси топилиди.

• **Чилонзор туманида яшовчи нафақахўр Лазаревнинг хонадонидида ўғирлик содир этилганлиги ҳақида ички ишлар ходимларига хабар тушди.**

Тезкор гуруҳ зудлик билан жиноятчиларни қидиришга жалб этилди. Жабрланувчининг хонадонидан шаф, газ плитаси, эркаклар курткаси, бош қийим ва асбоб-ускуналарни ўғирлаб кетган Алексей ва Маратлар милиция ходимлари томонидан тез орада қўлга олинди.

• **Бухоро вилоятидан Тошкентга келган ва бу ерда енгил-елпи ҳаётга қўйикан О.Абдишукр ногаҳон Тошкент Давлат аграр университети олдига келиб қолади.**

Мазкур институтининг ўқитувчиси Носировни уриб, қўрқитиб, эғнидаги чарм курткани ва 5.500 сўм пулини тортиб олиб қочиб кетаётганида милиция ходимлари томонидан ушланди.

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўтганиб
домо бўлур...

● Муҳаббат барча яхши, юксак, қудратли, ёқимли ва ёрқин фазилатлар ижодкоридир.

● Дунёда кўндалан сулув илоҳиёт йўқ, чин муҳаббат оташидан кўра яқинроқ оташ йўқ.

● Севиш ва севилиш нақадар буюк бахт.

● Севги — ажиб бир гул, аммо тубсиз жар ёқасида ўсган бу гулга яқин бормоқ ва узмоқ учун жасорат керак.

● Севги ўлим даҳшатидан кучлироқ.

● Эркак ва аёл — бамисоли икки майин товушки, инсон қалбидаги торлар уларсиз ҳақиқий ва тўлақонли оҳанг беролмайди.

БАЙТ:

Хаяжон тўлкини, ҳасрат,
табассум,
Ширин хайллару жон
олар масъум,

Нозик иболару
сенгадир исён —

Муҳаббат соҳиби
бахтиёр инсон.

● Тўқилган обрў синган гулдонга ўхшайди — уни чегалаш мумкин, бироқ дарз кетган жойлари доимо кўриниб туради.

● Яхшиликларни йўққа чиқариш учун озгина нуқсон етарлидир.

● Яхши ишда ҳар доим саховат ҳам, куч ҳам бу юмушни охирига етказишга ҳаракат қилади.

● Хулқ — ҳар ким ўз қиёфасини кўрсатадиган кўзгудир.

● Жамият кишиларининг фазилини хусусида фақат уларнинг ишларига қараб фикр юритиш мумкин.

● Фақат ақли ва қалби тоза кишигина тўла маънодаги яхши ва ишончли одамдир.

● Дунёда каттаю кичикнинг иши бир-бирига боғлиқдир. Уларнинг ўзаро ёрдами ва иттифоқидан яхши ишлар ҳосил бўлади. Душманлигидан эса душманлик юз беради. «Яхшиликка яхшилик» билан жавоб қайтариш бу оқилнинг ишидир.

● ХИКОЯТ. Оқ қалбли шер бир кун ичконтга яхшилик қилган эди. Орадан бир неча кунлар ўтиб, шер тасодифан домга тушиб қолди. Шернинг яхшилигини эсидан чиқармаган тезфаҳм ичконт ўткир тишлари билан дом тугунларини қирқиб, ўз нажоткорини тутқунлидан халос қилди.

БАЙТ:

Яхшилар кетидан агар
чоғарсан,
Истаган бахтингни
шундан топарсан.

Яхшига яхши бўл,
ёмонга ёмон,
Гулга гул бўлгину,
тиканга тикан.

● Мунофиқлик, хушомадгўйлик ва икки юзламачилик энг катта ёвузликдир. Ниқобга ўралган бу ёвузликларни сизга бил, унга нисбатан газабкор ва мурасиз бўл.

● Одамни ўзига макташ хушомадгўйлик белгисидир.

● Фақат пасткаш одамгина олдинда мактаб, орқандан ғийбат қилади.

● Етти бошли аждардан эмас, тилёғламали одамлардан кўрқ.

● Кимки хушомадга учса, химоясиз қолади.

● Яхшилик ниқобига ўралмаган ёки унинг кўмагига суялмаган биронга ҳам иллат йўқ.

БАЙТ:

Ишонмагил маддох
сўзамолларга,
Заррача наф учун сени
мадх этар.

Бир кун муродин ҳосил
этмасанг,
Икки юздан ортиқ айб
санаб кетар.

Бугун — Халқаро ногиронлар кун
ИНСОН МАНФААТЛАРИ МУҲОФАЗАДА

Мамлакатимиз аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш, кексалар, серфарзанд оилалар ва бошқа эҳтиёжманд кишиларга ғамхўрлик кўрсатиш ҳукумати-миз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Бу борада, айниқса, ногиронларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, уларни оилага, меҳнат жамоасига ва жамиятга қайтариш борасида кўпгина ишлар амалга оширил-моқда.

— Марказий Осиёда ягона саналган Ўзбекистон Республикаси ногиронларни тиббий-ижтимоий ва касб бўйича реабилитация қилиш миллий марказида ногиронларнинг соғлигини қайта тиклаш, руҳини кўтариш, унумли меҳнатга жалб этиш мақсадида кенг қамровли хизмат кўрсатилади, — дейди мазкур марказ директори, профессор Носир МУҲАММАДЖОНОВ ЎЗА мухбирига. — 150 нафар беморга мўлжалланган клиникада асаб хасталиклар, жароҳлик ва ички касалликлар бўлими мавжуд. Бундан ташқари, физиотерапия, биокимё лабораторияси, ташкилий-услубий бўлим фаолияти йўлга қўйилган. Функционал ташхис бўлими замонавий диагностика асбоблари билан жиҳозланган.

Айтиш керакки, ногиронлиқни даволашда жаҳонда психологик реабилитациядан кенг фойдаланилади. Хорижда малака ошириб қайтган мутахассислар кўмагида марказимизда бундай бўлим очилгани фаолиятимизда кўл келаяпти. Бу ерда даволашнинг илгор-усуллари қўлланилиши ижобий натижа бераётир.

Хизмат кўрсатишнинг янада самарали йўлларини топиш мақсадида Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг врачлик-меҳнат экспертизаси кафедраси билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бундан ташқари, бир қанча хорижий мамлакатлар илмий марказлари, инсонпарварлик, хайрия ташкилотлари билан мустақам алоқа боғланган.

ТЕМПУС-ТАСИС дастури орқали Испания, Португалия, Буюк Британия мутахассислари билан ҳамкорликда уч йилга мўлжалланган грант асосида изланиш олиб борилмоқда. Бу жараёнда ёш шифокорлар малакасини оширишга асосий эътибор қаратиляпти.

Россия федерал ногиронларни экспертиза ва реабилитация қилиш маркази, Германия ва Испания университетла-

ри олимлари билан биргаликда ИНТАС дастури гранти юзасидан иш олиб бориляпти. АҚШнинг «Енгра» халқаро хайрия жамғармаси ва Корея Республикаси мутахассислари билан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган илмий-амалий анжу-



манлар, айниқса фаолиятимизда кўл келмоқда. Илмий изланишлар натижасида олинган хулосалар жойлардаги тиббий меҳнат экспертизаси амалиётида кенг қўлланилмоқда.

Жорий йил Фан ва технологиялар марказининг тўртта гранти қўлга киритилди. Бу асосда оғир хасталиклар оқибатида келиб чиқадиган ногиронлиқни даволаш-

нинг янги самарали усуллари юзасидан изланиш олиб бориляпти. Марказда аспирантура таълими йўлга қўйилди.

Айтиш жоизки, ногиронлиқнинг тиббий-ижтимоий реабилитацияси мамлакатимизда нисбатан ривожланиб бораётган соҳа. Шу боисдан ногиронлиқнинг олдини олиш ва даволашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш зиммасига катта масъулият юклайди. Турли хасталиклар келтириб чиқарган ногиронлик жараёнларини асослаш, унинг муддат ва босқичларини кўрсатиб бериш сингари масалалар жиддий эътибор талаб этади. Бундай вазифаларни бажаришда ҳамкорликда амалга оширилаётган илмий изланишларнинг самараси бекиёс.

Ногиронлиқнинг олдини олиш ва даволаш масаласи нафақат давлат ташкилотлари балки жамоатчилик зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Бу борада бизга бир қанча жамоат бирлашмалари, ишлаб чиқариш ташкилотлари яқиндан ёрдам берапти. Жумладан, «Ўзнефтегазхолдинг» компанияси, «Ўзбексавдо» акционерлик компаниясининг кўмаги катта бўлмоқда.

Шунингдек бу жараёнда бир қанча халқаро ташкилотлар, жумладан АҚШнинг С.А.Ф.Е., Counterpart international, World Concern халқаро бегараз ёрдам жамғармалари тиббий асбоб ускуналар, дори-дармон, кийим-кечаклар ажратаётир.

Мамлакатимизда ногиронлиқнинг олдини олиш ва даволаш мақсадида фаолият юритаётган жамоат ташкилотлари ҳам талайгина. Улар билан илмий-услубий жиҳатдан яқиндан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Асосий мақсадимиз, ногиронлиқнинг олдини олиш, бундай аҳволдаги беморларни реабилитация қилиш борасидаги илгор тажрибаларни ўрганиш, илмий асосланган ягона услуб ва технологияларни амалга жорий этишдир.

СУРАТЛАРДА: марказ фаолиятдан лавҳалар
Дилшод ЮСУПОВ
(ЎЗА) олган суратлар.

ХУРСАНДЧИЛИК УЛАШИЛДИ

Маълумки, Халқаро ногиронлар куну бутун дунёда кенг нишонланади. Бизнинг юртимизда ҳам бу кунга алоҳида эътибор берилиб, ҳозирда шахримизнинг барча масканларида бу кун муносабати билан меҳр-саховат тадбирлари ўтказилмоқда.

Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармасининг ташаббуси билан Юнус Ражабий маҳалласида ўтказилган тадбир ҳам Халқаро ногиронлар кунига бағишланди. Тадбирда шахримизнинг 11 та туманидан 22 нафар имконияти чекланган, меҳр-муруватга муҳтож инсонлар учун байрам

дастурхони ёзилиб, ажойиб куй-кўшиқлар тақдим этилди.

Шунингдек, Ёш томошабинлар театрида шахримизнинг барча туманларидан келган ногирон болажонлар учун ёзувчи Фафур Фуломнинг «Шум бола» спектакли намойиш этилди. Юзларида хурсандчилик кайфияти барқ урган кичкинтойларга Тошкент шаҳар Хотинқизлар кенгаши, «Соғлом авлод учун» жамғармасининг шаҳар бўлими ва Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармасининг эсдалик совғалари топширилди.

Орзулгул РУСТАМОВА

Туманларга

«КАМАЛАК» ТАШАББУСИ БИЛАН

Халқаро ногиронлар куну муносабати билан Сергели туманидаги 33-ёрдамчи мактаб ўқувчилари учун туман «Камалак» болалар ташкилоти томонидан «Меҳр-шафқат» акцияси ташкил этилди.

Тадбир давомида мактаб ўқувчилари учун китоблар, турли ўйинчоқлар, синфлар учун тувакда гуллар совға қилинди. Бугун ўтказилган «Меҳр-окибатли бўлайлик!» деб номланган тадбирда эса туман «Камалак» болалар ташкилоти сардорлар Кенгаши томонидан байрам концерта дастури уюштирилди. Тадбирда «Камолот» ЕИХ Сергели туман бўлими томонидан мактаб спорт зали учун спорт анжомлари ва акция со-

вғалари тақдим этилди. Ногиронлар куну муносабати билан Сергели туман ҳокимилиги ва Тошкент Давлат фармацевтика институти томонидан байрам дастурхони безатилди.

Уйлаймизки, мактаб ўқувчилари учун кўрсатилган маънавий ва иқтисодий кўмак уларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишлари, келгусида мурд ва инсонпарвар кишилар бўлиб етишишларида ёрдам беради.

(Ўз мухбиримиз)

МАҲАЛЛАДА
ХАЙРИЯ ТАДБИРИ

Маълумки, Халқаро ногиронлар куну муносабати билан шахримизда маҳаллаларида ҳам кўплаб хайрия тадбирлари амалга оширилмоқда.

Шайхонтоҳур туманидаги Олим Ҳўжаев номли маҳаллада ҳам фуқаролар йиғини раиси ва фаоллар сайёҳаракати билан 12 нафар туғма ногиронлар ва ётуғлик оғир хасталарга совға-саломлар тайёрланиб, уларнинг хонадонларига элтиб берилди. Озгина бўлса-да ушбу эътибордан кўнгли шикаста ногиронларнинг диллари шодликка тўлди.

— Ҳозирда анъанамизга кўра, 2 январь куну болажонлар учун Янги йил арча байрамини ўтказишга қизгин тайёргарлик кўрмоқдамиз. Болажонларнинг арча атрофида қувноқ рақсларга тушиб, Корбобо қўлидан совға олишлари учун маҳалладаги саховатпеша инсонларни байрам тадбирига жалб этиш ҳаракатида-миз, — дейди маҳалла оқсоқоли Абдурашид ака Нажмиддинов.

(Ўз мухбиримиз)

Биласизми?

ХУСНБУЗАР
КУШАНДАСИ

Қадимда Хитойда тананинг тилинган, кесилган жойларини ёки яраларни даволашда саримсоқ пиёздан фойдаланишган. Чунки саримсоқ пиёзда танани микроблардан муҳофизат этиш хусусияти кучли. Саримсоқ пиёздан балоғат ёшига етган йигит-қизларнинг хуснбузарларини йўқотишда ҳам фойдаланса бўлади. Бунинг учун хуснбузар чиқа бошлаши биланок унинг устига янги саримсоқ пиёзнинг суви суртиб қўйиб керак. Саримсоқ пиёз суви суртилган хуснбузарлар тезда қуриб йўқолади.

СОЧГА ЖИЛО

Тухумнинг сариғи таркибида лецитин моддаси бўлиб, у соч рангини жилонтиради. Бундан ташқари соч тарашни оsonлаштиради. Ниқоб қуйидагича тайёрланади: Идишга 2 дона тухумнинг сариғи солиниб устидан 50 миллиграмм пиво солинади. Аралашма сочларга суртилади ва полизтилен қалпоқ кийиб, рўмол билан ўраб қўйилади. 30 дақиқадан сўнг илқ сува сочлар қайилади. Тухумнинг сариғини ажратаётганда унга оқи аралашмасин. Акс ҳолда тайёрлаган ниқобингизнинг таркиби бузилиши ва керакли натижага эришаолмаслигингиз мумкин.

БОДРИНГ ТЕРИНИ
ТОЗАЛАЙДИ

Янги узилган бодрининг шарбати юз терисини учун энг яхши тозаловчи воситадир. Юздаги ёлғарни, чанг ва қирларни тозалашда жуда қулай. Хатто юздаги ёлғи тешиклари тозайтириш хусусиятига эга. Ундан фойдаланиш усули эса оддийгина. Янги бодрининг олиб халқача шаклида юпка қилиб кесиб чиқасиз ва бетингизга ёпиштириб қўясиз-да устидан сочиқни ёпиб қўйиб, (тезда қуриб қолмаслиги учун) 20 дақиқа давомида ўтирасиз, сўнгра олиб ташлайсиз.

МОЙЧЕЧАК
ДАМЛАМАСИ
ФОЙДАЛИ

Мойчечакдан ҳар хил шамоллашларда даво сифатида шунингдек, кўз ва юз терисини яхшилашда ҳам фойдаланиш мумкин. Кўзлардаги шамоллашни даволаш учун икки-уч дона мойчечак гулини олиб устидан қайноқ сув солиб қўясиз. Илқ ҳолатга келгандан сўнг кўзлар ювилади. Ёки 2 литр қайноқ сувга бир ҳовуч мойчечакни солиб, аралаштирасиз сўнгра ундан чиқётган бугга 10 дақиқа давомида юзингизни тутиб турасиз.

Бу муолажа нафақат кўзлар учун балки юз терисини учун ҳам жуда фойдали. Кўзлардаги чарчок ва шамоллашни олади, унинг таркибидаги кислоталар юз терисининг фаолияти яхшиланди.

Машабаб

ПАРЛАМЕНТГА САЁХАТ

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими томонидан ёшлар иштирокида парламентга саёхат уюштириш анъанага айланган қолди.

Куни кеча Акмал Икромов тумани 36-мактабнинг энг етакчи «Қамолот» ва «Қамалак» сардорлари Олий Мажлисга саёхат уюштиришди. Асосий мақсад ёшларнинг парламентдаги иш жараёни ва Олий Мажлис депутатларининг фаолияти билан яқиндан таништириш эди. Таништирувчи Олий Мажлис котибиятининг масъул ходими Аскаржон Ғофуров олиб борди. Шунингдек ёшлар депутатлар учун ташкиллаштирилган Ахборот маркази ва кутубхоналар билан ҳам яқиндан танишишди. Саёхат давомида парламентнинг ёшлар иши қўмитаси раиси Азамат Зиё билан ўқувчилар ўртасида учрашув ўтказилди. Ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди. Бу саёхатдан ёшлар катта таассуротлар билан қайтишди.

Умаржон ТўЛАГАНОВ

Мағнабия

ҚУТЛУГ САНАЛАРГА
КАТТА ТАРАДДУД

Ўзбекистон адабий жамоатчилиги улкан ёзувчи Абдулла Қодирий таваллудининг 110 йиллиги ҳамда «Ўтган кунлар» романи яратилганлигининг 80 йиллигига катта тайёр-гарлик қўрмоқда. Шу саналар муносабати билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қатор тағбирларни белгиледи.

Тошкент Давлат маданият институтида Абдулла Қодирий музейининг очилиши ҳам нур устига аёло нур бўлди. Олий ўқув юртида ёзувчи ижодий меросига бағишлаб уюштирилган илмий анжуман ҳам шу музейда ташкил этилиши рамзий маъно касб этади.

Қутлуг саналарга бағишлаб ўзбек романчилигининг сардори ҳақида ҳикоя қилувчи неча тўплам чоп этилади. Адабиётшунос олим, профессор Собир Мирвалиев томонидан ёзилган «Абдулла Қодирий (Жулқунбой)» китоби эса Ўзбекистон Фанлар академияси «Фан» нашриётида босмадан чиқиш арасида турибди.

Ақбар ЙҮЛДОШЕВ

САМАРҚАНД САЙҚАЛИ ИЗИДАН
...ЯПОН ТЕХНОЛОГИЯСИ

Японияда чоп этиладиган «Санкей Шимбун» газетасининг сўнгги сонларидан бирида мамлакат олимларининг Ўзбекистондаги тарихий обидаларга оид янги тадқиқоти тўғрисида мақола эълон қилинди. Унда қайд этилишича, Нагасаки префектурасидаги Хасами шаҳарчасида ташкил этилган илмий қўмита аъзолари Ўзбекистондаги кўҳна шаҳарларнинг меъморчилик анъаналарини яқиндан ўрганишмоқда.

Дарҳақиқат, ЮНЕСКО томонидан жаҳон мероси сифатида эътироф этилган мазкур шаҳарлардаги меъморчилик ёдгорликлари нафақат ташқи кўриниши, балки ички тузилиши ва таркиби жиҳатидан ҳам бетакрордир.

Бундан қарийб 600-700 йил муқаддам қашф этилган биноларга сайқал бериш усуллари бүгунги кунга келиб, афсуски, тилсимотга айланган. Осори атиқаларнинг устки қатламидаги «Samarkand Blue» номи оlingан мовий ранг сопол нақшлар кимни ҳам лол қолдирмаган дейсиз. Юртимизга хориждан ташриф буюрган ҳар қандай давлат арбоби, сайёҳ, олим, ишбилармон Самарқанд сайқалидан, осмонга туташ мовий гум-базлару виқорли мадрасаларидан ҳайратга тушиши муқаррар. Жорий йилнинг августда Нагасакида ташкил этилган янги илмий қўмита айна «Samarkand Blue» номи остида ўз фаолиятини бошлади. Бу ишга нафақат Нагасаки, балки Фукуока ва Сага префектуралари олимлари ҳам киришган. Улар орасида ёш олимлар, кулчулар, рассомлар, сураткаш ва ҳукумат ташкилотлари вакиллари бор. Қўмитага Япония олимларининг етакчиларидан бири Ш. Такашима раислик қилмоқда.

Беш йил муқаддам Ш. Такашима Ўзбекистондаги тарихий биноларни қайта таъмирлаш масаласи билан яқиндан танишиб, Нагасаки ҳудудида оқ ва мовий ранг сопол тайёрлаш тажрибасини ўрганишга киришган.

Айни пайтда, қўмита аъзолари Ўзбекистондан кўҳна сопол буюмларнинг нақш парчаларини Японияга келтириб, уларни таркиб жиҳатдан таҳлил қилишни бошлаган.

— Кенг қамровли илмий тадқиқотлар ўтказиб, уларнинг натижаларини ҳаётга татбиқ этишни мақсад қилганмиз. Олдимизда ўз ечимини қутаётган муаммолар талайгина, — дейди жаноб Ш. Такашима. — Самарқанднинг асл сайқалини ва фусункор жамолини қайта таъмирлаш борасида олиб борилаётган халқаро ҳамкорликка муносива ҳисса қўлиш ниятидამиз.

Япония олимларининг бу соҳада янги технологияни яратиб сари олиб бораётган тажрибалари ҳақида чоп этилган махсус мақола «Санкей Шимбун» ўқувчилари томонидан қизғин қўлб олинди.

Беруний АЛИМОВ,
«Жаҳон» АА,
Япония.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР



Тошканбой Эгамбердиев номидаги
Тошкент Давлат цирки 2003 йил 26 декабрдан
2004 йил 11 январгача

ЦИРКДА АРЧА

Болалар! Сиз учун ўқувчиларнинг қишқик таътил кунларида

ЯПОВУДДИН ВА УНИНГ ДУСТЛАРИНИНГ
ЯНГИ ЙИЛ САРГУЗАШЛАРИ
ТОМОШАЛАР:

26 декабрда: 15.00, 18.00.

27 декабрдан 30 декабргача: 10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00.

31 декабрда: 10.00, 12.00, 14.00, 16.00.

1 январдан 11 январгача: 10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00 да бошланади.

Жамоа бўлиб келиш учун талабномалар қабул қилинади. 50 дан ортиқ чипталар олинган бўлса, улар ташкилотларга қўшимча ҳақ тўланмасдан етказиб берилади.

Чипталар цирк кассаларида ва туман кассирлари томонидан сотилмоқда. Ҳақ турли шаклда тўланиши мумкин. Касса эртаклики соат 9.00 дан очил.

Маълумотлар учун телефонлар: 144-29-04, 144-35-91, 144-32-23.

Кўнгил учун музика,
мулоҳаза учун ахборот.
Пойтахт ўз радиосини
танлайди «Пойтахт-Информ».

7207 М

132-26-44 132-26-45

132-26-44 132-26-45

132-26-44 132-26-45

132-26-44 132-26-45

132-26-44 132-26-45

132-26-44 132-26-45

132-26-44 132-26-45

132-26-44 132-26-45

132-26-44 132-26-45

132-26-44 132-26-45

132-26-44 132-26-45

132-26-44 132-26-45

132-26-44 132-26-45

132-26-44 132-26-45

132-26-44 132-26-45

132-26-44 132-26-45

132-26-44 132-26-45

132-26-44 132-26-45

132-26-44 132-26-45

132-26-44 132-26-45

132-26-44 132-26-45

132-26-44 132-26-45

132-26-44 132-26-45

132-26-44 132-26-45

132-26-44 132-26-45

132-26-44 132-26-45

132-26-44 132-26-45

132-26-44 132-26-45

132-26-44 132-26-45

132-26-44 132-26-45

132-26-44 132-26-45

132-26-44 132-26-45

132-26-44 132-26-45

132-26-44 132-26-45

132-26-44 132-26-45

132-26-44 132-26-45

132-26-44 132-26-45

132-26-44 132-26-45

132-26-44 132-26-45

132-26-44 132-26-45

132-26-44 132-26-45

132-26-44 132-26-45

132-26-44 132-26-45

132-26-44 132-26-45

132-26-44 132-26-45

132-26-44 132-26-45

132-26-44 132-26-45

Ғошбон

МУҲИМ ОЧКО
БОЙ БЕРИЛДИ,
АММО...

ЎТГАН КУНИ

Бирлашган Араб Амир-ликларида футбол бўйича ёшлар ўртасида давом этаётган жаҳон чемпионати гуруҳ бешлашувларининг иккинчи тур баҳслари бўлиб ўтди.

Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, ушбу нуфузли мусобақаларда ilk бор иштирок этаётган Ўзбекистон терма жамоаси ҳақиқатан ҳам турнирга жиддий ҳозирлик кўрганлини исботламоқда. Фақат... Ҳимоя чизигидаги хатоликлар жамоамизга қимматга тушаётганлигини эслатиш ўринли. Африка қитъаси вакили Мали терма жамоаси билан кечган биринчи учрашувда ҳам ҳамюртларимиз қайд этилаётган 2:2 дуранг натижани сақлаб қолди.

Сўнгги дақиқадаги на ҳимоячиларимиз хатоси туфайли дарвозамизга йўлланган гол ҳамюртларимизнинг кейинги босқичга йўлланма олиш имкониятларини камайтиргани рост. Шу боисдан ҳам ўтган кун аргентиналик тенгдошларига қарши ўзбекистонликлар муваффақиятли ўйин намойиш этишди дейиш мумкин. Очиги, тўпни бир-бирига аниқ узатишда, майдонда тўп билан кўпроқ ҳаракат қилишда, ҳужумкорлиги тезкорлик борасида ўзбекистонликлар жаҳон чемпиони бўлиш аргентиналиклардан асло қолишмади. Ҳатто биринчи бўлимда Гейрхис ракиблар дарвозасини ишғол этиб терма жамоамизни 1:0 ҳисобида олдинга олиб чиқди. Аммо, тажрибасизлик ўзбекистонликларга иккинчи бўлимда панд берди чоғи, 69-дақиқада Фернандес, 90-дақиқада эса Каенаги томонидан Нестеров дарвозасининг аниқ нишонига олиниши учрашувнинг 1:2 ҳисобида аргентиналиклар галабаси билан якунланишини таъминлади. Ушбу гуруҳдаги Мали-Испания терма жамоалари баҳсида омад Европа қитъаси вакилларига қулиб боқди. Хунфран ва Гарсиа томонидан африкаликлар дарвозаси икки бор ишғол этилди. Бу галаба испанияликларга муҳим уч очкони ҳада этди.

Шунингдек «А» гуруҳида дастлабки учрашувини галаба билан бошлаган Словакия терма жамоаси ҳам мағлубият аламини тотишга мажбур бўлди. Буркина-Фасо—Словакия—1:0, Панама—БАА—1:2.

«С» гуруҳида эса қуйидаги натижалар қайд этилди. Австралия—Канада—2:1, Чехия—Бразилия—1:1.

Жаҳон чемпионати гуруҳ баҳсларининг учинчи тур бешлашувлари ЭРТАГА бўлиб ўтади. Унда Ўзбекистон терма жамоаси испанияликларга қарши майдонга тушади.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси жамоаси компания сантехника хизмати устаси

Атҳам Раҳимович
ПҲЛАТОВНИНГ

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик ихсдор этади

Халқимизда «Ўт балоси, сув балоси ва беаҳал кулфат-фалокатдан асра» деган гап бор. Ушбу ибора бежизга айтилмаган, албатта. Негаки, кўпчилик мана шундай бахтсиз ҳодисаларга одамларнинг эътиборсизлиги, ёнғиннинг олдини олиш чоралари вақтида қўрилмаганлиги, лоқайдлик ҳам сабаб бўлади. Мазлумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ ҳўжалиги ва аҳоли турар жойларидаги ёнғин хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида»ги 2003 йил 12 ноябрдаги фармойиши ҳамда шу асосда Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига мувофиқ пойтахтда 20 ноябрдан 20 декабргача «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилмоқда. Албатта, бу борада шахримиз корхона, ташкилот ва муассасаларини, аҳолини табиий газ билан узлуксиз таъминлаш йўлида қишин-ёзин сайй-ҳаракат қилаётган «Тошшаҳаргаз» худудий газ таъминоти корхонасида ҳам тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Унга кўра ойлик давомида асосий эътибор нималарга қаратилади? Бу ҳақда корхона директори Қобил ФАРМОНОВ қуйидагиларни гапириб берди:

— Ёнғин юз бергач, унинг оқибатларини тугатгандан кўра, аввало ана шу бахтсиз ҳодисанинг келиб чиқмаслигига эътибор қаратиш, яъни ёнғиннинг олдини олиш афзалдир. Шу боисдан ҳам ўтказилаётган ушбу тадбир — «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ҳар томонлама фойдали ва аҳамиятлидир. Унинг аҳамиятини ҳамшаҳарларимизга тушунтириш ва ушбу тадбирга уларни кенг жалб этиш асосий иш режаларимиз сирасига киради.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, кўп ҳолларда аҳолининг табиий газдан нотўғри ва ноқонуний, яъни ўзбошимчилик билан фойдаланишлари оқибатида ҳам ёнғинлар келиб чиқади. Айниқса, қишинги қиrowsи кунларида, яъни кун совуқ вақтларида кўпчилик газдан фойдаланиш қоидаларига риоя қилмаган ҳолда газ плиталарини кечаю-кундуз ёқиб ҳонадонларини иситишда фойдаланади. Ана шунинг натижасида газ асбобларидан фойдаланиш қоидаларига амал қилмаслик, уни ёқиб ҳолда назоратсиз қолдириш оқибатида ёнғин, портлаш, одамларнинг газдан бўғилиши ва заҳарланиши каби бахтсиз ҳодисалар келиб чиқиши эҳтимолдан холи эмас.

Шу сабабли жамоамиз аҳли барча тумангаз ва бўлимлар, шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ёнғиндан сақлаш бўлими ходимлари билан ҳамкорликда баҳариларидан чора-тадбирлар режасини муваффақиятли ва муддатида амалга оширишга диққат-эътибор қаратишган. Корхона ва ташкилотларга қарашли бинолардаги ёнғин хавфсизлиги бурчақлари яна бир бор назоратдан ўтказилиб, қўшимча шиор ва материаллар билан

тўлдирилмоқда. Шунингдек, ҳар бир корхона, ташкилот, муассасаларда, барча маҳаллалардаги аҳоли ўртасида газ асбобларидан фойдаланишда хавфсизлик

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги
ОЛДИНИ ОЛГАН
АФЗАЛ

қоидаларига амал қилишга эришиш мақсадида учрашув ва суҳбатлар, ҳонадонларда тушунтириш ишлари олиб бориламоқда. Масъул ходимларимиз ҳонадонларда бўлишиб хавфсизлик қоидаларига амал қилинмаган ҳолда резина ичак орқали уланган ва лудбўрони ишга яроқсиз, носоз бўлган газ асбобларини тармоқдан узиб, шунинг баробарида оила аъзоларига бундай қоидабузарликлар ёмон оқибатларга сабаб бўлишини, ҳар бир инсон ҳаёти учун хавфли эканлигини тушунтиришмоқда. Ёнғин келиб чиқишини бартараф этиш, эҳтиёт чораларини кўриш мақсадида аҳоли кўп йиғиладиган жойларда, бозорларда тарғибот-ташвиқот ишларини ҳам йўлга қўйганмиз. Бозорларда радиотармоқлар орқали эшиттиришлар, шунингдек, жойларда кинофильмлар намойиши ҳам ўтказилаётгани тадбир самарасини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда.

Албатта, биринчи галдаги вазифамиз ойликнинг муваффақиятини таъминлаш, бундан кейин ҳам ёнғин хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя эти-

лишига амал қилишни аҳолига тўғри тарғиб этиш, шу билан бирга ҳамшаҳарларимизнинг бу борада фалоллик кўрсатишларига эришишдир. Шу ўринда ҳамшаҳарларимизга ҳам хавфсизлик қоидаларига риоя қилишларини эслатиб ўтишни лозим деб ўйлайман. Сизнинг ҳонадонингизга етказиб берилаётган бебаҳо бойлик — «зангори олов» кундалик турмушингизда ниҳоятда асқотиб, мушкулни-гизни осон, огирингизни енгил қилмоқда. Шу боисдан ҳам унинг қадрига етиб, меъёрида, қонун-қоидаларга риоя қилган ҳолда фойдалансангиз, фурсати етганда эса ёқилган газ ҳақини вақтида тўласангиз ҳамisha беминнат дастёр ҳонадонингизга кириб боради.

Яна шуни ёдда тутиш лозимки, ёқилган газ асбобларини назоратсиз қолдирмаслик, ёш болаларга ундан фойдаланишга йўл қўймаслик, беҳудага газни ёқиб исроф қилмаслик керак.

Биринки — минга, деган аjoyиб нақл бор халқимизда. Шу боисдан ҳам бир кишининг лоқайдлиги, беларволиги ва ўзбошимчилиги нафақат оила аъзоларига ёки жамоага, балки кўни-кўни ҳамда маҳаллага зиён келтириши мумкин. Ана шундай зарардан сақланиш учун доим ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш, газдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш ҳар бир ҳамшаҳаримизнинг ёдида бўлмоғи керак. Ойликнинг кўзланган даражада ўтиши, чора-тадбирларнинг амалда бажарилиши эса нафақат масъул корхоналар, балки барчаннинг ҳам-жихатлиқдаги ҳаракатида боғлиқ.

Шарифа ИЛЁСОВА ёзиб олди.

Шахмат ҳақомалари

КЎНГЛИ НОЗИК
ГРОССМЕЙСТЕР

Бир вақтлар америкалик машҳур гроссмейстерлар Файн билан Решевскийнинг оралари жуда бузилиб қолган эди.

Бир неча ой шу тахлитда ўтди. Улар янги йил кириши олдида ярашиб олмоқчи бўлишди. Файн Решевскийга қўл узатди-да, қулиб: — «Ўтган ишга саловат, Сэмми, сен менга нима ни раво курсанг, мен ҳам ўшани тилаймэн!» — деди.

«Тагин бошлайсанми!» — дея жавоб берган Решевский зарда билан шахмат клубидан кетди-қолди.

ҚАЙСАРЛИК

1936 йили Ноттингемдаги халқаро турнирда Решевский билан Файн учрашуви тўрт марта чеккирилди.


Вазият дурангдан ўзга натижа бемаслигига қарамай, Решевский ўйини давом эттирар, Файн эса бундан ғийибйорон бўларди. Деярли ҳар бир юриш олдида улар ўртасида мана бундай савол-жавоб бўларди:

- Уйнайверамизми?
- Бўлмасамчи!
- Дурангга кўнмайсизми?
- Сираямда!
- Кишт!!!

Бу ўйинда Файн 38 та кишт берди. Баҳс дуранг билан тугади.

ТАКЛИФНИ ҚАРАНГ

Бир кун ийртқиқларни ўргатувчи киши реклама максадларини кўзлаб, гроссмейстерлар Тартаковер ва Лиленталга дурустгина муқофот учун шернинг кафасида бир партия шахмат ўйнашларини таклиф қилди.



ИШОНЧ

Мусобақа бошланишидан олдин Стейнциядан сўрашибди:

— Мўлжалингизча биринчи соврин кимга тегаркин?

— Менга-да, сира тортинмай жавоб берибди жаҳон чемпиони. — Нега десангиз, бошқаларга ўхшаб жаҳон чемпиони билан ўйнардимиз!

Анвар ИНОКОВ,
шахмат бўйича спорт
устаалигига номзод.
МАҲОРАТИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

1) Оқлар бошлаб икки юришда қора шохни мот қилади.

2) Оқлар бошлаб 11-12-юришга келганда қоралар таслим бўлади. Ўзига яраша мураткаб этюдлардан.

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар —
133-28-95, 132-11-39;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма таъриф, офсет усулида
босилади.
3557 нусхада босилади. Қўроғи биринчи А-3

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума
кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат
матбуот қўмитасида
10-қавми билан рубикати амалган

Нашригн сўхизиб берил масалалари бўйича турар жойлардаги
почта бўлимларига ёки «Тошкент почтанинг» — 133-74-05
телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер
марказида терилиш ва саҳифаланиши.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмохонаси.
Корхона мажлиси: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.